

АГРАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ



[doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a39](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a39)

Беглаев Учқун Хуррамович -

Тошкент давлат аграр университети
кафедра мудири, и.ф.ф.д. (PhD)

Болтаев Нурали Шираматович -

Тошкент давлат аграр университети
таянч докторанти

Жавлиев Нуриддин Бектемир ўғли -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
халқаро ҳамкорлик бўлими менежери

Аннотация. Жаҳонда таълим тизимининг ривожланиши, республикамиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлашни ривожлантириш, кадрларни тайёрлашда ечимини кутаётган асосий муаммоларни таҳлил қилиш, олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган ишларни таҳлил қилган ҳолда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: таълим тизими, олий таълим, меҳнат бозори, кадрлар тайёрлаш, ривожлантириш, аграр таълим, бошқариш, баҳолаш, йўналиш, режаслаштириш, стратегия.

ПУТИ РАЗВИТИЯ ПОДГОТОВКИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫХ КАДРОВ В СИСТЕМЕ АГРАРНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Беглаев Учқун Хуррамович -

Заведующий кафедрой Ташкентского государственного
аграрного университета, к.э.н. PhD

Болтаев Нурали Шираматович -

Докторант Ташкентского государственного
аграрного университета

Жавлиев Нуриддин Бектемир угли -

Ташкентский государственный экономический университет
менеджер отдела международного сотрудничества

Аннотация. Развитие системы образования в мире, реформирование системы образования нашей республики, развитие подготовки кадров, отвечающих требованиям рынка труда, анализ основных проблем, ожидающих решения подготовки кадров, государственная поддержка системы подготовки кадров высшей школы, анализ работы, проведенной экономистами, разработаны практические предложения и рекомендации.

Ключевые слова: система образования, высшее образование, рынок труда, подготовка кадров, развитие, аграрное образование, управление, оценка, направление, планирование, стратегия.

WAYS TO DEVELOP COMPETITIVE STAFF TRAINING IN THE AGRICULTURAL EDUCATION SYSTEM

Beglaev Uchkun Khurramovich

Department head of Tashkent State Agrarian University, (PhD)

Boltaev Nurali Shiramatovich

Doctoral student of Tashkent State Agrarian University,

Javliev Nuriddin Bektemir

TSUE manager of the international cooperation department

Annotation. The development of the education system in the world, the reform of the education system of our republic, the development of training that meets the requirements of the labor market, the analysis of the main problems awaiting the solution of training, state support for the training system of higher education, an analysis of the work carried out by economists, practical proposals and recommendations have been developed.

Keywords: education system, higher education, labor market, personnel training, development, agricultural education, management, evaluation, direction, planning, strategy.

Кириш. Дунёнинг ривожланган мамлакатларининг таълим тизимидаги янги технологияларнинг жорий этилиши ҳамда кадрлар салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилиши соҳалар бўйича кадрларга талабни қондириш мақсадида таълим интеграцияси, инновацияси ҳамда амалиётларни ишлаб чиқариш билан боғлаш кенг йўлга қўйилган. Таълим даражаси бўйича дунё рейтингда Австралия – 0,939, Дания – 0,923, Янги Зеландия – 0,917, Норвегия – 0,916, Германия – 0,914, Ирландия – 0,910, Исландия – 0,906, АҚШ – 0,900, Нидерландия – 0,897, Буюк Британия – 0,896 индекс билан юқори ўринни эгаллаб келмоқда. Аммо, турли объектив ва субъектив омиллар таъсирида, глобал COVID-19 пандемиясининг дунё бўйича кенг тарқалиши таълим тизимида бир қатор баҳсли вазиятларни, яъни олий таълим, мактабгача таълим тизимини бошқаришдаги муаммоли вазиятлар юзага келишига олиб келмоқда. Шу боис, замонавий таълим тизими эга ривожланган мамлакатларда дифференциялашган таълим тизимининг жорий этилиши соҳа мутахассислари тайёрлашда бу усулдан фойдаланиш, тизимни ривожлантириш, замонавий технологияларни қўллаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, замонавий бошқарув тизимини жорий этишга кенг эътибор қаратилмоқда.

Янги аср ривожланиши илм фаннинг ривожланиши билан бевосита боғлиқ бўлиши, фан тараққиёти кадрларга талаб ортиб бориши ҳар бир соҳа учун ёш, қобилиятли, ўз соҳасининг профессионаллари кераклигини кўрсатиб бермоқда. Ушбу белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-639 сонли “Таълим тўғрисида”ги қонуни[1] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинди[2].

Мазкур қонун ва фармонда ҳам кадрлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ва уларни соҳалар кесимида етказиб бериш бугуннинг муҳим долзарб вазифаси эканлигидан далолат беради. Таълим тизими, кадрлар масаласи, меҳнат бозори, ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ва улар ўртасидаги интеграцияни узлуксиз тарзда олиб бориш таълим тизимида бир қатор илмий-амалий ишлар олиб боришни тақозо этади.

Бундан ташқари, аграр соҳада илм-фан ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш,

таълим жараёнига замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш, ҳудудларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда илғор хорижий тажриба ва агротехнологиялар бўйича етарли билим ва малакаларга эга кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сонли “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[3], Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 декабрдаги 788-сонли “Аграр таълим тизимининг 2030 йилгача инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги[4] қарорида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалиги саноат даражасига олиб чиқиш ҳамда соҳага юқори малакали тайёрлаш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Таълим тизимидаги муаммоли вазиятларни бартараф этиш келажакда ҳар бир тўсиқни илмий томонлама бартараф этиш имкониятини кўриб чиқиш лозим. Хориж олимларининг илмий изланишлари ўрганилиб таҳлил қилинганда, Н.А. Ковалева ўз тадқиқот ишида аграр таълим тизимида қўшимча касбий таълимни жорий этиш ва унинг ижобий томонлари, қўшимча таълим тизимини эксперт баҳолаш мезонларини ишлаб чиқди. Тадқиқотлар натижасида Н.А.Ковалева аграр таълимда қўшимча таълим ҳизматларини жорий этиш ғоясини илгари сурди[5].

Фикримизча, бу тизимнинг соҳада қўлланиши кадрларда қўшимча касбга йўналтириш имконини ҳамда соҳа учун тайёрланаётган кадрларнинг касбий маҳоратларини ошириш имкони юзага келади. Шунингдек, ишлаб чиқариш ва олий таълим муассасалари билан кадрларга қўйиладиган асосий талаблар таълим жараёнида бартараф этиб борилган бўлар эди.

Н.Кононетс ҳам ўз изланишларида аграр таълим тизимида ахборот технологияларни татбиқ этиш ва интернет тизимидан фойдаланиш керакли маълумотларни онлайн тарзда олиш имконини сайт яратишга имкон берувчи ресурсларни эгаллаш лозимлигини кўрсатиб ўтган [6]. Фикримизча, таълим тизимида компьютер билан интеграциялашган курсларни яратиш, ўқитувчи ва талабалар ўртасида маълумотлар алмашинувини рақамлаштириш, электрон кутубхоналар, маълумотларни таҳлил қилиш, сақлаш, қимматли-

лик даражасини фарқлай олиш кўникмаларини шакллантириш кадрларга қўйиладиган талабларнинг асосини таъминлаш имконияти таълим тизимининг ўзида шаклланишига замин яратилар эди.

С.Энглер ва М.Кретзер ўз тадқиқотларида таълимни олишда ижтимоий, иқтисодий ҳимоя зарурлиги, қишлоқ хўжалигида таълим жараёнларини олиб боришда кундалик ҳаётда мавжуд муаммолар билан узвий боғлаш ҳамда ривожланган қишлоқ хўжалиги малакатлари билан таққослаш муҳим қадам ҳисобланади[7]. Умуман, бу фикрдан келиб чиқиб таҳлил қилсак, ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигини таълим билан боғлаш, иқлим шароитимизга мос технологияларни таҳлил қилиб борсак, кадрларда шу орқали кўникмаларни шакллантириш имконият яратилар эди.

Шунингдек, таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлаш, таълим муассасалари жозибдорлигини ошириш ва бошқа масалалари бўйича мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ҳам таълим тизимини ривожлантириш, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича ўз тадқиқотларини олиб боришган.

Жумладан, О.С.Қаҳҳоров ўз илмий изланишларида иқтисодиёт кафедралари бошқарув жараёни самарадорлигининг интеграл баҳолаш услубини ҳамда кадрлар тайёрлашнинг бошқарув самарадорлиги ва уларнинг иқтисодиётга таъсири ўрганилган. Шунингдек, касб-ҳунар таълим тизими битирувчиларини ишга жойлаштириш, олий таълим муассасаларига ўқишга кириши бўйича иқтисодий фаол аҳолининг ялпи ҳудудий маҳсулотга таъсири ҳисоблаб чиқилган[8]. Фикримизча, бошқарувда кадрлар тайёрлашни асосий вазифа қилиб белгиланса, уларни ишга жойлаштирилиши, соҳалар бўйича ҳудудлар талаби ўрганилиши натижасида таълим тизимидаги асосий муаммоларни вазирликлар, ишлаб чиқариш корхоналари, халқаро грант лойиҳалар ҳамда олий таълим муассасалари билан боғланган ҳолда ечим топиш имконияти яратилар эди. Шу билан бир қаторда таълим тизимини асосий негизида мутахассислик кафедралари ётганлиги соҳа учун бошқарув тизимини яратилишида ва кадрлар учун қўйилган талаблар кафедраларга асосий масъулиятнинг тушуши, олий таълимда бошқарув негизида кафедраларнинг ўрни юқори эканлигини кўрсатиб беради. Шу боис, кафедра ва талабалар ўртасида алоқаларни узвий боғлаш механизминини яратиш ва уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш зарур ҳисобланади.

Шунингдек, Т.З. Тешабаев ҳам ўз илмий изланишларида таълим тизимини бошқаришда кластер ёндошувини жорий этиш, стратегик мақсадлар асосида ички инновацион салоҳиятни таълим жараёнига тўлиқ жалб этиш ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг услубий ёндашуви давлат бошқаруви такомиллашувига уйғун ҳолда олий таълим тизимининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш бўйича ўз таклифларини ишлаб чиққан[9]. Фикримизча, таълим тизимида бошқарувда инновацияни киритиш, тизимни рақамлаштириш орқали таълим сифатини яхшилаш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, замонавий илм-фан технологияларини қўллаш шу билан бир қаторда талабаларда мустақил фикр мулоҳаза юритишни шакллантириш имкони пайдо бўлади.

А.О. Очилов ўз тадқиқотида замонавий инновацион иқтисодиётда менежмент тамойилига мувофиқ «Бутун умр давомида таълим» («лифе-леарнинг») концепциясига ўтиш ва таълим тизимида фанлар сонини оптималлаштириш, ОТМларида ўқиш муддатини бир йилга қисқартириш асосида бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш, олий таълим сифатини оширишни бошқаришнинг кўп босқичли модели таклиф этилган[10]. Фикримизча, тажриба ва жорий этиш механизмининг тенгликда қўлланилиши таълим тизимини ислоҳ қилиш билан бир қаторда унинг ривожланишига йўл очиб беради. Шу боис, ривожланган мамлакатлар таълим тизими остида мамлакатимизга мос таълим тизимини қўллашимиз кадрлар тайёрлашда уларнинг сифатини, билимини, дунёқарашини оширишга замин яратилади.

Ж.О. Кучаров ўз илмий изланишларида қишлоқ хўжалигида талаб этиладиган кадрлар сони меъёрларини аниқлаш услуби меҳнатнинг интенсивлиги, меҳнат унумдорлиги ва меҳнат тежамкор технологиялардан фойдаланиш кўламини ҳисобга олиш, қишлоқ хўжалигида малакали кадрларни тайёрлаш, фан-таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлашни давлат томонидан солиқ, молия ва кредит дастаклари ҳамда аутстаффинг хизматларини ривожлантириш орқали рағбатлантириш, аграр таълим муассасаларига янги таълим шакли ва усулларини самарали жорий этиш мақсадида “Қишлоқ хўжалигида замонавий таълим шакллари синаш ва жорий этиш маркази”ни ташкил этиш ва уни молиялаштириш асосида фаолиятини йўлга қўйиш таклиф этилган[11]. Фикримизча, қишлоқ хў-

жалигида тайёрланаётган кадрлар замонавий билимларга эга бўлиши учун янги таълим шакллари ва усулларини самарали жорий этиш асосида меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш мумкин. Ушбу ишларни амалга оширишда таълим муассасаларига хусусий секторни жалб этиш орқали илм-фан ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш, молиявий ресурсларни жалб этиш орқали соҳани жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси. Аграр таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш бўйича мавжуд илмий тадқиқотларни ўрганиш, юқори малакали кадрлар тайёрлашда ечимини кутаётган муаммоларни таҳлил қилиш, битирувчи кадрларда креатив фикрлаш қобилиятларини шакллантириш орқали меҳнат бозори эҳтиёжларини қондириш механизмларини ишлаб чиқиш, таълим тизимини ривожлантириш йўлларини таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Халқимизда “таълим ва тарбия – бешикдан бошланади”, деган ҳикматли сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Шу сабабли, мамлакатимизда таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланган, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берувчи, яхлит ва узлуксиз тизим яратишга ҳаракат қилинаётгани бежис эмас.

Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ даврига инвестиция киритиш, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш шарт [12]. Шундан келиб чиқиб, аграр таълим тизимида кадрлар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Аграр соҳани етакчи кадрлар билан таъминлашда аҳолининг доимий ўзгариб турадиган касбий фаолият шароитларига мослашиши, индивидуал интилишларга мувофиқ доимий ўз-ўзини ривожлантириш имкониятини

таъминлаш, жамиятнинг таълим ресурсларини ошириш тамойилларига асосланган ҳолда фаолият олиб бориши зарур. Аммо, аграр таълим йўналишларини рақобат муҳитида тўла жавоб бера оладиган қилиб ўқитиш, билим ва кўникмаларини шакллантириш лозим. Шу боис, аграр таълим муассасалари олдида ўқув жараёнларини олиб боришда бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Биринчидан: машғулотлар олиб борилишида ҳаддан зиёд кўп қисмининг назарий йўналишга боғлиқлиги. Бу таълим муассасасини битирувчисининг бевосита иш жойида мослашиш жараёнининг мураккаблашишига таъсир қилади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, битирувчиларнинг иш жойларида мослашишининг қийинчиликка дуч келиши ҳамда назарий билимларни амалиётда қўллашнинг асосий йўналишларини тушуна олмаслиги.

Иккинчидан: таълимнинг бошланғич бўлини мактабгача таълим муассасаси, мактаблар, техникумлар, олий таълим муассасаларида ҳам юқори самарали, замонавий ўқув жараёнини олиб бориш учун зарур бўлган асосий воситалар, асбоб-ускуналар, ўқув-лаборатория жиҳозлари, ўқув адабиётлар етишмаслиги тўғридан-тўғри таълим сифатига таъсир қилиши акс этади. Бундан кўриниб турибдики, ўқув жиҳозларининг эскирганлиги янги технологияларни ўрганиш ва ўзлаштириш жараёнини йилдан-йилга пасайишига олиб келади.

Учинчидан: таълим тизимидаги коррупцион ҳолатларнинг вужудга келиши натижасида талабалар ўртасида номутоносблик ва кескинликни ҳамда турли зиддиятларнинг келиб чиқиши орқали таълим муассасаларининг нуфузи ва мавқеини пасайишига олиб келади. Шунингдек, мамлакатда юқори сифатли интеллектуал салоҳиятни шакллантиришга тўсқинлик қилади.

Тўртинчидан: таълим ва фан соҳасини етарли даражада молиялаштирмаслик, олий таълим муассасаларидан тортиб энг пастки бўғингача таъсир кўрсатиб, юқори малакали кадрлар тайёрлашда бир қатор муаммолар билан бирга таълим муассасаларининг мавқеини пасайтиради. Бундан ташқари, таълим тизимини етарлича молиялаштирмаслик таълим даражасининг пасайишига ва бунинг натижасида кадрлар салоҳияти ва иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келиши билан бирга давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Бешинчидан: олий таълим муассасалари ва меҳнат бозори ўртасида кўпинча бевосита ва билвосита яқин муносабатларнинг йўқлиги, мамлакатда интеллектуал салоҳиятли кадрларнинг ишга жойлашишда вужудга келадиган муаммоларнинг ортиши ва инсон меҳнатидан фойдаланиш сифатини сарҳисоб қилишнинг якуний босқичига айланади. Битирувчиларнинг аксарияти ўқишни тугатгандан сўнг ўз мутахассислиги бўйича ишламайди, ҳаттоки тўлиқ қайта тайёрланади, баъзида иккинчи мутахассислик йўналишларини қайта ўқишни афзал кўради. Бу эса таълим тизими самарадорлигига путур етказилади. Бироқ битирувчилар “мутахассислиги бўйича” иш қидирганда ҳам, кам маошли бошланғич

бўш иш ўринларини танлашга тайёр эмаслар, лекин шу билан бирга, иш берувчи тегишли иш тажрибаси ва зарур кўникмаларга эга бўлмаган университет битирувчисини ишга олишга тайёр эмаслиги ҳам яққол кўзга ташланади. Муаммо иш берувчилар ва университет битирувчилари ўртасидаги манфаатлар тўқнашувига айланади. Шу боисдан, иш берувчилар томонидан олий таълим муассасалари битирувчиларини олган назарий ва амалий билимларини, уларнинг салоҳиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг талаби ҳисобланади. Биз ўз тадқиқотларимиздан келиб чиқиб, қуйидагича кадрлар салоҳиятини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқдик (1-жадвал).

1-жадвал

Кадрлар салоҳиятини баҳолаш мезонлари

№	Баҳолаш мезонлари	Баҳо кўрсаткичлари			
		5	4	3	2
1.	Битирувчининг дипломи бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари				
2.	Ўқув даврида амалиётлардан ўтган объектлари (давлат, хусусий ва бошқа ташкилотлар)				
3.	Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва хорижий тилларни билиш даражаси				
4.	Иш юритиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш даражаси				
5.	Ёши, креатив фикрлаши, ишбилармонлик музокораларини ташкил этиши, қарор қабул қила олиши, лидерлик хусусиятлари, бошқалар билан муносабатга киришувчанлиги				
6.	Ўқув даврида эришган ютуқлари (илмий, маънавий-маърифий, спорт, олимпиада ва бошқалар)				
7.	ОТМнинг республика ва халқаро рейтинги				
8.	Битирувчининг қўшимча квалификацияга эга эканлиги				
9.	ОТМдаги профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти				
10.	Бошқа хусусиятлари				
	Жами				

Манба: муаллифлар тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Мазкур кадрлар салоҳиятини тайёрлаш мезонлари асосида аграр таълим муассасалари таълим жараёнининг энг муҳим жиҳатларига эътибор бериш имкониятлари ортади. Ушбу кадрлар салоҳияти баҳолаш мезонларидан юқори самарали (4,5-5 баҳо), ўртача самарали (3,5-4,4 баҳо), қуйи самарали (2,6-3,4 баҳо), самарасиз (0-2,5 баҳо) кўрсаткичлари асосида олий таълим муассасаларида тайёрланаётган битирувчиларга уларнинг салоҳиятини иш берувчилар томонидан ёки бошқа ташкилотларни жалб этган ҳолда таълим муассасаси битирувчиларини салоҳиятини аниқлаш имконияти яратилади. Шунингдек, олий таълим муассасалари келгусида кадрлар тайёрлашда юқоридаги кадрлар салоҳиятини баҳолаш мезонлари таҳлил қилган ҳолда, қай-

си жиҳатларга эътибор бериш кераклигини тўғрисида ишларни ташкил этиши ҳамда ривожлантиришга аҳамият бериши талаб этилади.

Бу, ўз навбатида, таълим муассасаларида талабалар ўз устида ишлаши, бўш вақтларидан унумли фойдаланиши, янги таълим йўналишларини ташкил этиш имкониятларини яратади, шу билан бирга профессор-ўқитувчилар ҳам кадрлар тайёрлаш жараёнида ушбу баҳолаш мезонлари асосида ўқув режа ва дастурларини мунтазам равишда замон талаблари асосида такомиллаштиришни талаб этади. Бундан ташқари, талабалар ўқишни тугатгандан сўнг иш берувчилар томонидан ушбу баҳолаш мезонлари асосида синовларини ўтказишини билган ҳолда тайёрлана-

ди ҳамда таълим сифати ошишига хизмат қилади.

Шу билан бирга мамлакатимиз раҳбари ҳам аграр таълимни ривожлантириш ва кадрлар масаласига алоҳида тўхталиб, 2022/2023-ўқув йилидан Халқаро қишлоқ хўжалиги университети иш бошлаши ҳамда у ерга чет эллик ўқитувчиларни жалб қилиш, маҳаллий мураббийларнинг малакасини ошириш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, Тошкент давлат аграр университетига 17 миллион доллар кредит ва грант жалб қилинган.

Бунинг ҳисобига университет лабораторияси 129 турдаги замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозланади, боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, механизация, озиқ-овқат саноати каби 20 та йўналиш бўйича янги тажриба участкалари ташкил этилади, хорижий мутахассислар жалб қилинади. Бундан ташқари соҳа учун ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш ҳам муҳимлигини таъкидлади. Бунинг учун олий таълим билан коллеж ва техникумларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш керак. Шу боис мутасадди вазирликларга ўрта махсус ўқув дастурлари, дарсликлар ва амалиёт тизимини соҳа корхоналари талаблари асосида қайта кўриб чиқиш муҳимлиги таъкидлаб ўтди[13].

Бундай изчил ислоҳатлар натижаси эса аграр таълим учун энг самарали йўналиш ҳисобланади. Шу боисдан, олий таълим тизимида қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишга эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлади:

- ОТМ фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштириш, стратегияларни ишлаб чиқиш;
- кадрларни меҳнат бозорида жой-жойига оқилона қўйиш, вазифаларни тақсимлаш, иш берувчилар билан мунтазам ҳамкорлик қилиш;
- таълимга оид ахборот тизимини ташкил этиш ва ундан фойдаланишнинг самардорлигини таъминлаш;
- ҳар томонлама назорат, таҳлил, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишни таъминлаш;
- ОТМ раҳбар ва педагог ходимларининг малакаси ва маҳоратини ошириб бориш.

Ушбу асосий вазифаларни самарали амалга ошириш натижасида барча соҳаларни етук кадрлар билан таъминлаш, соҳаларда инновацион технологияларни қўллаш, ёшларда креатив фикрлаш ва рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш орқали республикамиз иқтисодий тизимнинг ўсишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар. Ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш, кадрлар салоҳиятини баҳолаш мезонларини юқори самарали бўлиши учун аграр таълим тизимида кадрлар тайёрлашни қуйидаги ривожлантириш йўллари ишлаб чиқиш ва уни таълим тизимида амалга ошириш провард мақсад сирфатида хизмат қилади.

Аграр таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашни қуйидаги ривожлантириш йўллари изчиллик билан амалиётга жорий этиш талаб этилади:

➤ таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

➤ ОТМнинг узоқ ва ўрта муддатли стратегик ривожлантириш дастурини тасдиқлаш, ўрта муддат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш, раҳбар ва педагог-ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича **KPI** тизимини жорий этиш;

➤ қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор технологияларни қўллаш, «ақлли қишлоқ хўжалиги» (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни жорий қилиш бўйича замонавий билимларга эга кадрлар тайёрлаш;

➤ ўқув жараёни ва малака ошириш курслари фаолиятини такомиллаштириш бўйича маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб этиш;

➤ ўқув жараёнига таълимнинг кредит-модуль тизимини жорий этиш, бакалаврият таълим йўналишларининг сиртқи таълим шакли бўйича масофавий таълим олиш тизимини босқичма-босқич йўлга қўйиш;

➤ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари ва агротехнологиялар техникумларга ўқув-методик жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатиш;

➤ замонавий ўқув адабиётларини харид қилиш ҳамда шу асосида дарсликлар яратиш;

➤ талабалар учун халқаро амалиёт дастурларини ҳамда **SUMMER&WINTER SCHOOL** (ёзги ва қишқи мактаблар)ни ташкил этиш, хорижий тиллар бўйича амалий кўникмаларини ошириш;

➤ кадрларни меҳнат бозорида жой-жойига оқилона қўйиш, вазифаларни тақсимлаш, иш берувчилар билан мунтазам ҳамкорлик қилиш;

➤ таълим хизматлари бозоридаги талабни эътиборга олган ҳолда тўлов-контракт асосида ўқитиш қийматини, тўлов-контракт маблағларини тўлаш муддатларини белгилаш ва узайтириш;

➤ ўқув режа ва дастурлари, малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш, таълим тилини ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таълим олиш шаклини белгилаш, ўқиш давомийлигини белгилаш;

➤ кадрлар тайёрлашда ҳар томонлама назорат, таҳлил, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишни таъминлаш.

Хулоса қилиб ўрнида, мазкур ишлаб чиқилган ривожлантириш йўллари билан олий таълим муассасалари фаолиятини олиб боришда татбиқ этилса, албатта бу ўз натижаларини қисқа муддатларда кўрсатиб, кадрлар салоҳиятини меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган мутахассислар қилиб тайёрлашга хизмат қилади. Шунингдек, таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириб, аграр соҳани ривожланиши орқали аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига талабини қондиради ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ўРҚ-639 сонли “Таълим тўғрисида”ги қонуни. <https://lex.uz/docs/5013007>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сонли “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 декабрдаги 788-сонли “Аграр таълим тизимининг 2030 йилгача инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/>
5. Ковалева Н.А. Развитие дополнительных образовательных услуг в системе высшего аграрного образования // Автореферат. Специальность 08.00.05 – Экономика и управление народным хозяйством: экономика, организация и управление предприятиями, отраслями, комплексами (АПК и сельское хозяйство). – Екатеринбург, 2005.: 20 стр.
6. Kononets N. Experience in implementing resource-based learning in agrarian college of management and law poltava state agrarian academy. // Turkish Online Journal of Distance Education-TOJDE April 2015 ISSN 1302-6488 Volume: 16 Number: 2 Article 12.: 13 p.
7. Steven Engler and Michael M. Kretzer. Agriculture and Education: Agricultural Education as an Adaptation to Food Insecurity in Malawi. // Universal Journal of Agricultural Research 2(6): 224-231, 2014 <http://www.hrpub.org> DOI: 10.13189/ujar.2014.020607.: 9 p.
8. Қаҳҳоров О.С. Таълим тизимида иқтисодчи кадрларни тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш (Бухоро вилояти мисолида). Автореферат. 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги. – Тошкент, 2017.: 52 бет.
9. Тешабоев Т. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллаштириш. Автореферат. 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги. Тошкент-2019.: 83 бет.
10. Очиллов А. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш. // Автореферат. 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги. – Тошкент, 2018.: 76 бет.
11. Кучаров Ж. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш шароитида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш йўллари. // Автореферат. 08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ихтисослиги. – Тошкент, 2021.: 52 бет.
12. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон Стратегияси. // Ўзбекистон нашриёти. – Тошкент, 2021.: 224 бет.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрель куни “Қишлоқ хўжалигида лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда таълим сифатини яхшилаш масалалари бўйича ўтказга йиғилиши”, «Халқ сўзи», 28.04.2022 й., 88 (8150).



IQTISODCHI UCHUN KREATIV FIKRLASH NIMA UCHUN KERAK?

Madraximova Gulasal Ro'zimboy qizi -

*Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
katta o'qituvchisi, Phd*

Nasullayeva Yoqutoy Nasim qizi -

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti assistenti

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a40

Annotatsiya. Maqolada iqtisodchilar uchun kreativ fikrlashning ahamiyati, kreativlik sifatlarini rivojlantirish imkoniyatlari va kreativ fikrlovchi insonning xususiyatlari haqida batafsil bayon etilgan. Zamonaviy iqtisodiyotda shaxsning ijodkorligi va ijodiy qobiliyatlari mutaxassisning muvaffaqiyatli kasbiy faoliyati uchun zarur muhim vakolatlardir. Bu qobiliyatlardan biri boshqaruvga ijodiy yondashishdir.

Kalit so'zlar: kreativ, kreativlik, individual, professional, motivatsiya, intellektual, innovatsion.

ЗАЧЕМ ЭКОНОМИСТУ НУЖНО ТВОРЧЕСКОЕ МЫШЛЕНИЕ?

Мадрахимова Гуласал Рузимбой кизи -

*Старший преподаватель, Phd Ташкентского
государственного экономического университета*

Насуллаева Ёкутой Насим кизи -

*Ассистент, Ташкентского
государственного экономического университета*

Аннотация. В статье подробно рассказывается о значении творческого мышления для экономистов, возможностях развития творческих качеств, характеристиках креативно мыслящего человека. В современной экономике креативность и творческие способности личности являются важными компетенциями, необходимыми для успешной профессиональной деятельности специалиста, одним из таких умений является творческий подход к управлению.

Ключевые слова: творчество, творчество, индивидуальный, профессиональный, мотивационный, интеллектуальный, инновационный.

WHY DOES AN ECONOMIST NEED CREATIVE THINKING?

Madрахimova Gulasal Ruzimboy qizi -

Senior teacher, Phd Tashkent State University of Economics

Nasullayeva Yoqutoy Nasim qizi -

Assistant, Tashkent State University of Economics

Annotation. The article details the importance of creative thinking for economists, the possibilities for developing creative qualities, and the characteristics of a creatively thinking person. In the modern economy, creativity and creative abilities of an individual are important competencies necessary for the successful professional activity of a specialist, one of these skills is a creative approach to management.

Keywords: creativity, creativity, individual, professional, motivational, intellectual, innovative.

Kirish. Rivojlangan mamlakatlarda olib borilgan 20 yillik tadqiqotlar shuni ko'rsatdiki, ijodiy korxonalar an'anaviy ish o'rinlariga nisbatan ikki barobar ko'p ish o'rinlarini yaratadi. Avtomatlashtirilgan ishlarga qaramay, robotlar kishilarning o'rnini bosganda, ijodiy sohalar insonga muhtoj. Ma'lum bo'lishicha, bu juda barqaror ish ekan. Hozirgi globallashuv sharoiti, istaymizmiyo'qmi, bizning ishlash va yashash tarzimizni o'zgartirmoqda. Birinchidan, biz globallashish, ifloslanish, moliyaviy inqirozlar yoki yangi epide-

miyalar bo'ladimi, butun dunyoga ta'sir qiladigan murakkab muammolarga tobora ko'proq duch kelmoqdamiz. Ushbu muammolarni hal qilish bo'yicha harakatlarni muvofiqlashtirish uchun bizga ijobiy fikrlash va ijodiy g'oyalar kerak.

Shaxsiy darajada globallashuv hayotning tobora tezlashib borayotgan sur'atlarini keltirib chiqaradi. Bizda juda ko'p ma'lumotlar mavjud, ammo bugun o'rgangan narsalarimizga ertaga osonlikcha eskirishi mumkin. Garchi tez o'zgarishlar ham yangi imkoniyatlar keltirsa-da, endi